

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
И ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

БАНК ИШИ КАФЕДРАСИ

Ўлғзма ҲуҲида
УДК

ИСАЕВ БАҚ ОДИР ИСМАИЛОВИЧ

**МАМЛАКАТ И ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ
ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН УЗОҚ
МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИ ВА УНИ
ТАКОМИЛАШТИРИШ**

5А 340307 “Халқ аро валюта кредит муносабатлари”
мутахассислиги бўйича магистр даражасини
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий рақбар: и.ф.н., доц.
Мусабеков Ж.Х.

Тошкент-2011

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-боб. Банк-молия ва кредит тизимининг барқарорлиги – иқтисодийни модернизация қилишнинг асоси	8
1.1. Ўзбекистон Республикасининг кредит тизимининг таркибий қисмлари ва уларни молиявий муносабатларни ривожлантиришдаги аҳамияти	8
1.2. Кредит тизими ривожланишининг асосий босқичлари.....	19
1.3. Кредитнинг иқтисодий моҳияти ва асосий шакллари.....	26
II-боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан олиб борилаётган кредитлаш сиёсатининг амалий жихатлари.....	34
2.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш жараёни	34
2.2. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларнинг ролини ошириш механизми	37
2.3. Узоқ муддатли кредитлаш механизмнинг жаҳон тажрибаси.....	48
III-боб. Ўзбекистон Республикаси иқтисодийни модернизация қилиш шароитида тижорат банкларидаги узоқ муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари.....	58
3.1. Иқтисодийни модернизация қилишда тижорат банклари томонидан берилган узоқ муддатли кредитларнинг тутган ўрни	58
3.2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодийни модернизация қилиш шароитида узоқ муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари	68
Хулоса ва таклифлар	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82

КИРИШ

Тадбиқот иши мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини ўлга киритиши, ўз тараққиёти йўлини мустақил танлаши имкониятини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуланиевич Каримов мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски шўролар тизимидан воз кечиб, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йоясини ва уни амалга оширишнинг беш тамойилини асослаб берди. Уларни изчил қўлга тадбиқ этиш туфайли бугун мамлакатимиз иқтисодиёти юқори суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблик таъминланиб, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш давом эттирилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ўшма корхоналар тузиш, корхоналарни очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш, аynиқса, кичик қамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ва уларга ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларга боғлиқдир.

Жақон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Банк тизимини ўллаб-ўувватлаш; ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш; инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жақон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир”¹. Мухтарам юртбошимиз гапларидан хулоса қилиб шуни такидлаш жоизки, банк-молия тизими ва иқтисодиётни модернизация қилиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ соҳалардир. Бундан ташқари

¹И. А. Каримов. “Жақон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Тошкент - «Ўзбекистон» - 2009 й.

Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Дунёдаги тараққий топган 20 та давлат иштирокида ташкил этилган, "Катта йигирмалик" деб ном олган гуруҳ доирасида қабул қилинаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларига эришиш йўлида қозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланаётгани йўқ.”² деб таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, банк-кредит соҳасининг бир шакли бўлган узоқ муддатли кредитлашга катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли кредитларнинг мамлакатда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга жалб этиш инновацион технологияларни ривожлантиришга ва замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга имкон яратади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банк тизимини ривожлантириши ва барқарорлигини таъминлаш масалалари бир асрдек ўзоқ вақт давомида иқтисодчи олимларнинг эътиборини тортиб келмоқда. П.С.Панова, В.В.Иванова, И.В.Камсников, Ю.А.Бабичев, Э.Н.Васимишиев, В.М. Усоскин, Р.С.Портер, Д.Полфремон, Ф.Форд, Ж.Долон ва бошқа аълолар МДҚ қамда бошқа чет мамлакатлар олимлари ўз илмий ишларида тижорат банклари барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва амалий масалаларига тўхталиб ўтганлар.

Гарчи аълолар ишлар банк тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасида қилинган бўлсада, бу борада ечимини кутаётган муаммолар қам йўқ эмас.

Илмий ишнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизация қилишда банк кредит тизимини ривожлантириш ва самарадорлигини таъминлаш масалаларини яхлит тарзда ўрганиш асосида республикада бозор

² И.Каримов. “Барча режа ва дастурларимизватанимиз тараққийётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Т. “Ўзбекистон”. 2011 й. 44 б.

ислоҳотларининг ҳозирги босқичида кредитлаш тизими ва уни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқаришдан иборат.

Ушбу мақсад, тадқиқот минтақаси ва таркибий тузилишига мос равишда ишда қўйидаги вазифалар белгиланган;

- иқтисодий жиғатдан тараққий этган мамлакатлар амалиётида мувоффақиятли қўлланилиб келинаётган пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш;

- турли иқтисодий усуллар воситасида тижорат банклари ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалаларини ечимини топиш ва банк тизими фаолиятининг ушбу йўналишида амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

- Республика Марказий банки томонидан ўрганилган иқтисодий меъёрларнинг моҳияти ва амалий аҳамиятини тадқиқ қилиш;

- узоқ муддатли банк кредитларини корхоналар фаолияти ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрнини аниқлаш;

- узоқ муддатли банк кредитлари қисобини такомиллаштириш юзасидан тавсияларни илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети бўлиб ўзоқ муддатли банк кредитлари қисобини такомиллаштириш масалалари қисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси. Чет эл ва мамлакатимиз иқтисодчиларининг тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш, пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш муаммоларига бағишланган ишлари қисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Диссертацион ишнинг объекти бўлиб, мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий қайта тузишда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитларни беришда олиб борадиган фаолияти қисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб эса, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини реструктуризация қилиш жараёнларида узоқ муддатли

кредитларнинг самарадорлигини ошириш борасидаги муаммоларни аниқлаш ва илмий жиҳатдан асослаб бериш висобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий таъйинлаш даврида узқимуддатли кредит ва унинг иқтисодий-молиявий асосларига хос бўлган хусусиятлари аниқланди;

- мамлакатимиз иқтисодиётни таркибий таъйинлаш шароитида узқимуддатли кредитлашнинг ўрни ва ролининг амалдаги «Ўзбек модели»га хос бўлган бир қатор муҳим ўзгаришлар аниқлаб берилди;

- иқтисодни таркибий таъйинлаш шароитида тижорат банкларининг узқимуддатли кредит ва инвестицион манбалар висобидан олиб борадиган инвестицион фаоллигини ошириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти очиқ берилди ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

- узқимуддатли кредит ва инвестициянинг тузилмавий таркиби таҳлил қилиш асосида Республика минтақавий шудудларда ушбу жараёни жадаллаштириш мақсадида мавжуд қолатни таҳлил этиш учун ахборотлар базасининг кетма-кетгиги ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган алоқида амалий таклифлар мамлакатнинг тижорат банклари томонидан етакчи тармоқ ва соҳаларига берилаётган узқимуддатли кредитлаш жараёнида ва барча манбалар висобидан молиялаштиришни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот ишининг тузилиши кириш, 3та боб, хулоса ва таклифлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-боб. Банк-молия ва кредит тизимининг барқарорлиги – иқтисодийни модернизация қилишнинг асоси

1.1. Ўзбекистон Республикасининг кредит тизимининг таркибий қисмлари ва уларни молиявий муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти

Муқтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек “...тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор”.³

Корхоналар ўз маблақлари етарли бўлмаганида банкдан кредит маблақлари ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслардан қарз маблақлари олишлари мумкин.

Кредитлаш орқали ақолининг, корхонанинг ва давлатнинг бўш турган пул маблақлари банкларда тўпланади ҳамда муаян ақо эвазига вақтинча фойдаланиш учун хўжалик юритувчи субъектларга берилади. Маълумки ишлаб чиқариш воситалари қўринишидаги капиталнинг тармоқдан тармоқга ўтиш имкониятлари жуда чекланган, лекин иқтисодийда қар доим иқтисодий ресурсларни, энг аввало капитални, тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурияти мавжуд бўлади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркабий қисми бўлиб банк кредити адо этади. Банк кредити ва молиявий ресурслар пул капитали сифатида жамланади ҳамда тармоқлар ва мақсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида бозор талаблари асосида тақсимланади, кредитни белгиланган муддат давомида қайтариш ва кредит фойдаланганлик учун муайян ақо тўлаш зарурлиги кредитга олинган маблақлардан юқори самара бера оладиган фаолият соҳаларида фойдалинишга мажбур этади. Шундай қилиб, кредит иқтисодий самарадорлик даражасини оширишга хизмат қилади. Банк кредитининг муқим вазафаларидан бири бу ишлаб турган корхоналар маблақларини

³ И.Каримов Асосий вазафамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент “Ўзбекистон” 2010-80 б. 57 бет.

доиравий алмаштиришнинг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу асосан Ўзбекистонда муддатли кредитлаш воситасида амалга оширилади.

Банк кредити корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишига хизмат қилиши туфайли иқтисодийда фойданинг капиталлашуви жараёнларини тезлаштиради. Банк кредити мамлакатда пул массасининг ўсishi ва таркибига, тўлов оборотига, пул муомаласи тезлигига жуда кучли таъсир кўрсатади.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инновацияларни олиб келишни ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келиб чиққан ўйидаги учинчи бўлимида таъкидлаб ўтдилар “Учинчидан, молиявий-иқтисодий инновацияларнинг тарқалиши давлатдаги мустақиллик, ўрнатилиши ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқадиган. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоқлиқ мустақил эканлига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги, уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарама-қарши эканлиги, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ўсishi, хорижий кредитларни олиб келиши ва пировард натижада мамлакат иқтисодийнинг бақарорлик, диверсификация ва рақобат бардошлик даражасига боғлиқ”⁴.

Кредит тизими деб кредит муносабатлар мажмуаси ва кредит муносабатларни ташкил қилувчи ва амалга оширувчи кредит институтлари йиғиндиси айтилади.

Кредит тизими орқали қўшма ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш маблағлари йиғилади ва корхона ташкилотларга, давлатга вақтинча фойдаланишга берилади. Кредит тизими бир неча бўлинлардан иборат бўлиши мумкин. Маблағларни жалб қилиши ва тақсимланишига қараб кредит тизими ўзининг ташкил қилиниш турига қараб ўйидаги гуруҳларга бўлинади.

⁴ Каримов И.А. Жапон молиявий-иқтисодий инновациялари, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари, чоралари-Т. Ўзбекистон. 2009.

- Маказий банк кредитлари;
- Тижорат банклар кредитлари;
- Махсус-кредит институтлари кредитлари.

Бозор иқтисодийёти шароитида икки поёнали кредит банк тизими кўп мамлакатлар иқтисодининг асоси бўлиб боради. Бу Маказий банк, банк институтлари ва нобанк кредит муассасаларидир.

Банк институтларига бўлиб келган банклар киради:

- тижорат банклари;
- инвестиция банклари;
- жамъармалар жалб қилувчи банклар (Ўзбекистон Республикасида Халқ банки);
- савдо банклари.

Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича ихтисослашган банклар ва бошқалар. Нобанк кредит ташкилотларга: нафақа ва бошқа фондлар киради:

Кредит тизимида банк институтлари таркибида салмоқли ўринни тижорат банклари эгаллайди. Тижорат банклари кредит тизимининг бошқа бўлинларига нисбатан кўпроқ бўш ресурсларни жалб қилади ва кўп миқдорда мижозларга узоқ муддатли кредитлар беради.

Махсус ихтисослашган кредит институтлари (банклар) тижорат банклари фаолиятини тўлдиради ва улар халқ хўжалигининг кам рентабелли, кам фойдали тармоқларига (қийинчи хўжалиги, уй жой қўрилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар) имтиёзли кредитлар бериш йўли билан уларнинг фаолиятини рағбатлантириб, ривожлантириб боради. Банклар маълум белгиларига бўлиб келган бўлиб келган турларга бўлиб келган:

- мулк шаклига бўлиб келган: акционер, ноакционер, кооператив, коммунал, давлат, аралаш, халқаро банкларга;
- кредит берувчи банкларга;
- миллий мавқеи бўйича: миллий ва хорижий банкларга;
- фаолият кўрсатиши ва бажарадиган функцияларига бўлиб келган: депозит, универсал ва ихтисослашган банкларга бўлиб келган.

Акционер банклар акционер компаниялар сифатида юзага келган банклар бўлиб, акциялар чиқариш ёрисибидан улар капиталининг асосий ёрисмини юзага келтиради. Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимининг асосий ёрисмини акционер банклар ташкил ёилади.

Маида ишлаб чиқрувчилар хунармандларнинг фаолиятини ёўллаб ёувватлаш маёсадида кооператив банклар ташкил ёилинади. Бу банкларнинг маблаёларнинг иштирокчиларнинг маблаёлари ёрисибидан вужудга келтирилади ва миожларга уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун енгил шароитида узоё муддатли кредит беради. Коммунал банклар ихтисослашган кредит ташкилотлар бўлиб, коммунал хўжалик ва уй-жой ёурилишини кредитлаш ва молиялаштириш билан шуёуланади.

Давлат банклари давлат ихтиёрида бўлган кредит муассасалари бўлиб, уларнинг биринчи намуналари ёадимий Римда ва Мисрда, кейинчалик XVI-XVII асрларда Европада вужудга келган. Давлат банкларининг ёўйидаги турлари амалиётда бўлиши мумкин: марказий тижорат банклари ва махсус кредит институтлар. Аралаш банклар капитали давлат томонидан ва бир ёрismi хусусий капитал томонидан вужудга келтирилади. Халёаро банклар халёро пул, ёисоб ва кредит муносабатларини олиб борувчи банк бўлиб, давлатлар ёртасида валюта, кредит ва молия муносабатларини бошёариб боради. Ёирик халёаро банклар ёарорига Европа ривожланиш ва тараёёиёт банки, Халёаро валюта фонди, Халёаро Молия корпорацияси, Халёаро ёисоб китоблар банкни, Европа инвестиция банкни ва бошёаларни киритиш мумкин. Хорижий банклар тўлиё ёки ёисман чет ёл инвесторларига тегишли бўлган банклар бўлиб, улар ёз фаолиятини маёаллий ёонунлар доирасида олиб боради. ёозирги ваётда бундай банклар ёирик банкларнинг шуёбалари сифатида фаолият кўрсатади. Баёзи давлатларда мавжуд депозит банклар жалб ёилинган депозитлар ёрисибидан: ёисоб, кредит, ишонч операцияларини олиб боарди. Депозит банклар асосан жамёармаларини жалб ёилиш ва жойлаштириш билан шуёуланади. Универсал банклар турли хил банк операциялари депозит, керекит, ёисоб, ёоиз, воситачилик ва бошёа

операцияларни бажарувчи банк Ҳисобланади. Германия, Швеция, Австрия каби мамлакатларнинг тижорат банклари универсал банклар Ҳисобланади. Ихтисослашган банклар ҳал Ҳужалигининг маълум соҳаларига хизмат кўрсатувчи а Ҳолига хизмат кўрсатувчи банклардир.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов Ҳуйидагиларни таъкидлаган: «Ихтисослаштирилган банкларнинг тури сифатида инвестиция, жам Ҳарма, ривожланиш ва тар Ҳийёт банкларини келтириш мумкин. Кредит тизимининг яна бир Ҳисми нобанк кредит муассасалари бўлиб, давлат ва корхоналарни молиялаштириш, ўзо Ҳуддатли кредитлаш билан шу Ҳулланади. Изчил ю Ҳори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг бар Ҳарор ва ишончли фаолият юритиши, и Ҳисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация Ҳилиш йўлидаги дадил Ҳадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Хал Ҳаро валюта жам Ҳармаси, Жа Ҳон банки, Осиё тара Ҳийёт банки сингари нуфузли хал Ҳаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмо Ҳда»⁵.

Су Ҳурта компаниялари, нафа Ҳа фондлари ва бош Ҳа фондларнинг мабла Ҳларидан о Ҳилона фойдаланиш ва бу мабла Ҳларнинг самарадорлигини таъминлаш масаласи Ҳўйилган. Ҳар бир мамлакатнинг кредит тизими ўз хусусиятига эга бўлиб, ривожланган йирик универсал банклар тармо Ҳларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Германия банк тизими энг ю Ҳори даражада ривожланган давлат Ҳисобланади. Германиянинг кредит тизими бошида Бундес банк туради.

Марказий банк кредит тизимининг бош банки бўлиб, мамлакатда пул кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради.

Банклар пайдо бўлишининг бошлан Ҳич даврларида улар марказий эмиссия ёки тижорат банклари тари Ҳасида юзага келган эмас, яъни улар ўртасида Ҳозиргидек бўлиниш бўлмаган. Банк иши ривожланишининг биринчи бос Ҳичларида, ривожланган мамлакатларда тижорат банклари

⁵ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик исло Ҳотларни янада чу Ҳурлаштириш ва фу Ҳаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 56 Б.

капиталларни йиғиш мақсадида муомалага банкноталар чиқарганлар. Банкларнинг йириклашуви, банк ишининг ривожланиши натижасида банкноталарни муомилага чиқариш натижасида йирик тижорат банклари ўзига ўтган ва кейинчалик бирор йирик банк ихтиёрига берилган. Бу банк миллий ёки эмиссион банк, кейинчалик Марказий банк деб аталган. Марказий банк, яъни кредит тизимини бошқариб турувчи, барча банклар фаолиятини назорат қилиб турувчи кредит институти сифатида намоён бўлади.

Жамият фаолиятининг ўта муҳим жиёати-бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар ишлатилади, маҳсулотлар ва хизматлардан иборат қайсий неъматлар яратилади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини моддий ва маънат омиллари таъминлайди. Ишлаб чиқаришни бу омиллар билан бир текисда таъминлаш муаммодир.

Кредит орқали жамиятимизда қўйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, пайлар айланиши жараёни четга чиқиб, бўш қолган маблақларнинг қаракатсиз туриб қолишининг олди олинади;

иккинчидан, такрор ишлаб чиқаришнинг кенг доирада узлуксиз давом эттирилишига имконият яратилади.

Кредитнинг моҳияти унинг ички белгиларини очиб беришга қаратилган. Кредитнинг моҳиятини очиш-бу унинг сифатларини, кредитнинг муҳим томонларини, уни иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида кўрсатувчи асосларини билиш демакдир.

Юқоридаги фикрларга асосланган қолда кредитнинг баъзи муҳим томонлари аниқланади;

биринчидан, унинг ижтимоий маҳсулот яратиш, миллий даромад ва пул ресурсларини қайта тақсимлашга боғлиқлиги;

иккинчидан, кредитнинг қаракат шаклига (товар ёки пул) эга эканлиги;

учинчидан, такрор ишлаб чиқаришдаги ҳаракатнинг асосий қал этувчи белгиси (қарз) эканлиги ва бошқалар.

Кредит муносабатлари иқтисодиётда мавжуд аниқ услубий асосларга таянади. Унинг асосий элементлари бўлган ссуда капитали бозори операциялари маълум тамойиллари асосида олиб борилади. Бу тамойиллар кредит ривожланишининг биринчи босқичида кўзга ташланган эди, кейинчалик эса улар умумдават ва халқаро кредит қонунчилигида яна ол ўз аксини топди. Иқтисодий категория сифатида кредит бир неча тамойилларга эга. Булар кредитнинг қайтиб берилишлиги, кредитнинг муддатлилиги, кредитнинг таъминланганлиги, мақсадлилиги ва тўловлилиги тамойилларидир.

1. Кредитнинг қайтиб бериш тамойиллари. Бу тамойили кредитнинг умумий белгиси қисобланади, қайтиб беришлик, ўз-ўзидан вужудга келмайди: у моддий жараёнларга, қиймат айланишининг тугашига асосланади. Аммо доиравий айланишнинг тугаши – бу қайтиб бериш эмас, фақат қайтиб бериш учун замин тайёрлашидир. Кредитни қайтариш айланишидан чиққан маблақлар қарз олувчига пул маблақларини қайтариш имкониятини берган тақдирда қайтарилади, қайтариб беришлик икки ёқлама жараёни ифода этади, у кредитор учун қам, қарз олувчи учун қам бир хил даражада муқимдир.

Қийматнинг қайтувчи ҳаракатида қуқуқий тамони қам муқимдир. Муайян бир муддатга бериладиган қийматга эгалик қуқуқи кредитордан қарз олувчига ўтмайди.

Қарзга бериладиган қиймат фақат муайян бир муддатгагина ўз эгаси қўлидан ўзоқлашади, лекин эгасини ўзгартирмайди.

Бўш турган ресурсларни аккумуляция қилувчи банклар бу ресурслардан ўз ресурслари сифатида фойдалана олмайди. Банк қарзга берувчи маблақларнинг эгаси бўлиб корхона, ташкилот, алоқанда шахслар қисобланади.

Ў айтариб беришлилик муайян шартномада ўзининг ўрнини топади. Ў айтариб бериш объектив белги Ў исобланади. Кредитни Ў айтариб беришлик томони уни бошқа иЎ тисодий категориялардан, шу жумладан, молиядан фарқ Ў илиш имкониятини беради.

Кредитдан самарали фойдаланиш асосидаги Ў айтариб беришлилик-бутун банк фаолиятининг марказий пункти Ў исобланади. Кредитнинг бу тамойили амалиётда кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз суммасини кредит берган муассаса Ў исобига кўчириш йўли билан тўланади. Шу йўл билан банклар кредит ресурсларининг Ў айта тикланишини таъминлайдилар. Ўзининг иЎ тисодий моЎ иятига кўра Ў айтарилмайдиган ссудалар бюджет субсидиясининг Ў ўшимча шакли сифатида намоён бўлади. Бозор иЎ тисодиёти шароитида “Ў айтарилмас кредит” тушунчаси бозор иЎ тисоди кредитнинг амалиётда бўлиши иЎ тисод учун жуда хафли Ў исобланади.

2. Кредитнинг муддатлиги. Бу тамойил кредит берувчидан олинadиган кредитни ўз вақтида Ў айтариб бериш муддатини, яъни кредит Ў андай Ў арактерланади. Бундан шу муддатлилик тамойилига кўра кредит ўзоқ ва Ў исқа муддатли кредитларга бўлинади.

Кредитнинг муддатлилик тамойили Ў арздор учун Ў улай бўлган Ў ар Ў айдай вақтда эмас, балки кредит битимида кўрсатилган маълум муддатда кредитнинг Ў айтарилиши зарур эканлигини билдиради. Кредитнинг муддатлилиги Ў ар иккала томон, кредитор ва Ў арз олувчи учун муЎ имдир. Агар ўз вақтида Ў айтиб олса, уни эгасига ўз вақтида Ў айтариш ёки яна кредитга бериш имкониятига эга бўлади. Ў арз олувчи кредитни самарали ишлатиб, уни ўз вақтида кредиторга Ў айтариш ва шу билан шартномадаги жазо чоралардан Ў утилишидан манфаатдор. Коредитнинг муддати бўйича кредит шартномада кўрсатилган шартларнинг бузилиши натижасида Ў арз берувчи Ў арз олувчига иЎ тисодий чоралар (жарималар шаклида, кредит бўйича фоиз даражасини ошириш, кредитнинг муддатини Ў исқ артириш ва бошқа) ни Ў ўллаши мумкин. Бу чаралар Ў ам ёрдам бермаган Ў олларда Ў арз берувчи молиявий талабларни хужалик суди орқали ундириб олиш мумкин.

3. Кредитнинг товар-моддий бойликлар билан таъминланганлиги.

Бу тамойил ёрдамида халқ хўжалигининг ривожланишида қиймат ва моддий ишлаб чиқариш ўртасида бўлиши зарур бўлган пропорцияларининг бир меъёрида бўлиши таъминланади. Бу тамойилнинг асосий моҳияти шундаки, бунда хужалик айланишида иштирок этувчи банк маблақларининг ҳар бир сўмига муаян бойликларнинг бир сўми қарама-қарши туриши керак. Банклар томонидан халқ хўжалиги тармоқларига берилган кредитлар тўлиқ товар моддий бойликлари ва маълум қаражатлар билан таъминланган бўлиши керак. Тармоқларга таъминланмаган кредитларнинг берилиши банк кредитларининг банкга қайтиб келмаслигига асос қисобланади. Бу ўз навбатида банкнинг ликвидлигига ва пул муомиласига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида банклар томонидан бериладиган кредитларнинг товар моддий бойликлар қаражатлар билан таъминланганлик бўлишига алоқидида эътибор берилмоқда. Хозирги шароитда бу жараённинг амалга оширилишини қўйидагича ифодалаш мумкин.

Кредит олаётган корхона банкка товар ҳужжатларини, бошқа бирор шаклдагини мулкни гаровга қўяди. Агарда банк берган кредит қарз ўрнини қоплаш қўлуқлигига эга бўлади. Баъзида кредит варрант асосида ҳам берилиши мумкин. (варрант-гаров учун хизмат қилувчи ҳужжат). Бунда кредиторнинг бораётган кредити товар-моддий бойликлар билан таъминланганлигига ишонч қосил қилиш керак.

4. Тўловлилик тамойили.

Бу тамойил айланма фондларининг доиравий айлданишини, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи тўлов ресурслари сўммасини аванслаштириш заруриятидан келиб чиқади. Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблақлари учун кредиторга фоиз шаклида тўловчи ўтказадилар. Кредитнинг туловлиги уни тўлиқ сўммада ўз эгасига қайтарилишигина эмас, шу билан кредит учун фоиз шаклидаги тўлов билан қайтарилишини ифодалайди. Демак, кредитор ўз маблақларини ҳеч вақт ўз қўлида қайтариб олиш шарти билан бермайди.

Бунда ўз маблағни қарзга берганлиги учун муаёян тўлов талаб қилади (фоизсиз имтиёзли кредитлар бундан мустасно).

Кредитнинг тўловлиги нафақат банклар фаолиятини мақсадига, балки корхоналарнинг бевосита фойдасига боғлиқ бўлади ва ижобий таъсир кўрсатади.

5. Кредитнинг мақсадлилиги.


Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, қарз олувчи томонидан олинган кредитлар аниқ бир мақсадни амалга оширишга йўналтирилган бўлиши зарур. Кредитнинг қайси мақсадга йўналтирилганлиги, масалан товар моддий бойликлар сотиб олишга ёки бирор ишлаб чиқариш қаражатларини қоплашга ва қоказо аниқ бирор объектив мақсадли йўналтирилганлиги корхона билан банк ўртасида тузиладиган кредит шартномада кўрсатилган бўлади. корхона олган кредитини фақатгина кредит шартномида кўрсатилган ишни бажаришга сарфлаши керак. Бунда кредит муайян, аниқ объектга: ишлаб чиқариш харажатларига, ишлаб чиқариш захираларига, тайёр маҳсулотга, жўнатилган товарларга, қисоб-китоб ҳужжатларига ва қоказоларга берилади.

Юқорида келтирилган тамойиллар кредитнинг иқтисодий категория сифатида мавжуд бўлиши ва қаракат қилишнинг муҳим томонларини ўз ичида ифодалайди.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётида шароитида кредитнинг юқорида келтирилган тамойилларидан ташқари, кредит оқилона фойдаланишни ифодаловчи томоил кредитнинг самарадорлиги тамойилини киритишимиз зарур. Бу тамойил нафақат кредит ва фоиз суммасини банкка қайтариб тўлашни, ундан ташқари шу кредит ёрдамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соҳа, тармоқ корхона қанча самарадорликка эришишни ифодалаши зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида бериладиган кредитлар маълум бир лойиқаларнинг бажарилишига йўналтирилган бўлади.

Банклар лойиқаларни кредитлаш ёки молиялаштиришдан олдин лойиҳани бажариш учун йўналтирадиган маблағларнинг самарадорлигини қисоблаб чиқиши зарур. Агар биз бозор иқтисодиёти юқори ривожланган

мамлакатларда кредитлаш ва лойиҳаларни молиялаштириш амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бу мамлакатларда корхона, ташкилотларга кредит беришдан олдин ажратиладиган маблағларнинг самарадорлиги ўисоб-китоб ўилиб чиқилади. Агар лойиҳага ўйиладиган маблағлар самара берадиган бўлсагина шу лойиҳа учун маблағ ажратилади.



1-расм. Тижорат банкларининг кредитлаш тамойиллари⁶

Кредитнинг аҳамияти унинг моҳияти ва функциялари орқали белгиланади. Кредитнинг аҳамиятини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бажарадиган функцияларнинг натижасига кўра тавсиялаш мумкин.

Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Корхоналарга бериладиган кредит уларни вақтинчалик молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиради ва такрор ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз давом этишини таъминлайди.

Пул маблағларига эҳтиёж ишлаб чиқаришнинг нафаъат мавсумий, шунингдек бошқа сабабларига ҳам боғлиқ. Барча ҳолларда кредитдан фойдаланиш асосий ва айланма фондларнинг узлуксиз доиравий айланишни ишлаб чиқариш жараёни ва таварлар муомаласини тезлаштириш таъминлайди.

⁶ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007 йил, 348 бет

Бошқа иқтисодий категориялар сингари кредит маъсулот ишлаб чиқаришни ва муомала соҳасини рабатлантиради. Шунингдек, кредит ижтимоий-иқтисодий маъсадларни амалга оширишга, иқтисодий вазафаларни бажаришга муҳим таъсир кўрсатади.

Ўзирги шароитда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муомалалари ечилаётган бир даврда кредитнинг илмий-техникавий ютуқларни ишлаб чиқишга жалб этишдаги аҳамияти ортиб бормоқда.

Кредит технологик жараёнларни такомиллаштириш, сабаб ускуналарни замонавийлаштириш фондлар паркини янги машиналар билан таъминлаш асосида, наминал капитал харажатлар қисобига ҳал ҳужалилига керак маъсулот қажмини оширишда корхоналар самарали йўлларни танлашида уларга иқтисодий туртки берувчи воситадир. Кредит шундай ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва уларни жорий этишга ишлатилиши керакки, бунда бу воситалар асосида меҳнат унумдорлигини ва меҳнатни фонд билан куролланиш даражалари ошсин.

Кредитнинг умумий маъсади бу ижтимоий ишлаб чиқаришни динамик ва пропорционал ривожланиш асосида аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасининг ошишини таъминлашдан иборатдир.

Кредитнинг асосий маъсади ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив омилларини қўллаш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир.

Кредит давлатнинг иқтисодий воситаларидан бири сифатида бутун иқтисодиётнинг ривожланишига ва алоқида корхона фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

1.2. Кредит тизими ривожланишининг асосий босқичлари

Маълумки, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини ўйидаги омиллар билан изолаш мумкин.

- маъмурий-буйруқ бозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;
- давлат бош иқлоётчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустақам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;
- оқилона ташқи ва ички саноати олиб борилганлиги;
- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;
- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоқлик барқарор ва ишончли экани, уларнинг қимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Кейинги икки йилда республика Марказий банки томонидан амалга оширилган қатъий пул кредит сиёсати макроиқтисодий барқарорликни мустақамлашга қаратилади. Айни пайтда иқтисодиётда инфляцион кутилмаларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси йиллик қисобда 12 % даражасида белгиланди⁷. Ушбу чора-тадбирлар истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини бартараф этди ва шу йўл билан инфляциянинг белгиланган кўрсаткичлар доирасида эришилди.

Жапоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай. Ўзбекистон банк тизими ишончилиги ва барқарор ривожланаётгани хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги

⁷ www.cbu.uz

йўлиги ва ташқи инқироз шалатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича халқаро Базель шўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартларидан шарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Шозирги ватда республикаимиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар шисобида 1,5 миллиардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат шарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар шажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга шодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Шалқаро молиявий институтлар билан шамкорликни мустақамлаш, уларнинг кредит линияларини жалб шилиш орқали банкларнинг инвестицияон жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида республика тижорат банклари томонидан шалқаро рейтинг компанияларининг кредитга лаёқатлилик рейтингларини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоқида шайд этиш лозимки, 2008 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон банк тизимига нуфузли халқаро рейтинг компанияларидан бири- “Мудис” рейтинг агентлиги томонидан халқаро рейтинг бақоси берилганлиги мамлакатимиз молия тизимининг барқарорлигидан далолат беради.

Хусусан “Мудис” агентлиги бир йўла 3 та йўналиш бўйича республика банк тизимига “Барқарор” рейтинг бақосини берди. “Мудис” халқаро рейтинг агентлигининг шисоботида таъкидланишича агентликнинг ижобий бақоси мустақам банк назорати тизимида, банк секторида юқори ўсиш потенциалида молия тизимининг таркибий ўзгариши ва миллий иқтисодиётнинг юқори даражада ўсишида ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари 2008 йилда тижорат банклари томонидан халқаро банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун “Мудис”, “Фитч Рейтингс”, “Стандарт энд Пурс”, “Томсон Файнэкшя Банк Вотч”, Жақон кредит Рейтинг

Эженси”, “Рейтинг Эженси Малайзия” каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

Кейинги икки йилда республикамізда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро “Мудис”, “Фитч Рейтингс”, “Стандарт энд Пурс” рейтинг компанияларининг “Барқарор” рейтинг баҳосини олишга эришдилар.

Республикаміз банк тизимининг мустақамланиши оқилона олиб борилган пул-кредит сиёсати, инвестиция соҳасида амалга оширилган муҳим чора-тадбирлар пировардида ташқи қарзимиз сезиларли даражада пасайишига имкон яратди. Президентимиз 2009 йилнинг 1-январигача Ўзбекистон Республикасининг жами ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 13,3 фоизини ташкил этишини ва бу кўрсаткич халқаро мезонлар бўйича “қарғишдан маҳул бўлат” деб қисобланишини таъкидладилар.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз. “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик.”⁸.

Президентимиз ўз асарларида банк ишини янада такомиллаштириш ақоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблақларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2011 йилда устувор вазифа бўлиб қилишини кўрсатиб ўтдилар.

Барчамизга маълумки мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва мустақамлашга асосий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан 2009-2010 йилларда ҳам банк тизимида амалга оширилган ислоҳотлар Президентимиз

⁸ Каримов И.А. Жапон молиявий-иқтисодий инқироzi. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари-Тошкент Ўзбекистон, 2009 йил, 7-бет.

ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда белгиланган қўйидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига қаратилди:

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари қамда инвесторларнинг маблағларини банк акциялари ва депозитларга жалб қилиш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш қамда ресурс базасини кенгайтириш;

- банкларнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва қайта жиёзлашдаги иштирокини янада кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;

- банкларда самарали назоратни амалга ошириш, банк инфратузилмаларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва миқдорларга янги қўлайликлар яратиш;

- қисоб китоблар тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулларнинг банк айланмасига жалб этилишини янада кенгайтириш;

- банкларни яқка тартибда баҳолаш миллий рейтингига ва халқаро рейтинг компанияларининг рейтингларига эга бўлишларини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириш.

Юқорида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида банкларнинг кредит портфели таркибида қам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида ўзоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва қарорларига асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш қамда уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида давлат

⁹ И.Каримов. “Барча режа ва дастурларимизватаннимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Тошкент. 21.01.2011 й.

бюджетидан тижорат банклари устав капиталини ошириш бўйича маблаълар ажратилиши белгилаб берилди.

Жумладан, давлат тижорат “Халқ банки” нинг устав капиталини 2009-2012 йилларда 200 млрд.сўмга, 2009 йилда “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкнинг устав капиталини 150 млрд. сўмга, “Пахтабанк” акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 100 млрд сўмга, “Алла банк” акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 50 млрд сўмга, “Асака” давлат акциядорлик тижорат банкнинг устав капиталини 300 млрд.сўмга етказиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кредит ўзининг ривожланишида бир неча босқичларни босиб ўтган бўлиб, биринчи босқич бошланғич шаклланиш босқичи, бу босқичнинг асосий белгиси ссуда капитали бозорида махсус воситачиларнинг йўлиги эди. Кредит муносабатлари, бўш пул маблаъларнинг эгаси ва қарз олувчи ўртасида бевосита амалга оширилар эди. Бу ерда кредит судхурлик капитали сифатида намоён бўлади. Унинг характерли белгилари сифатида уйдагиларни белгилаб ўтиш мумкин;

- қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида, тўғридан-тўғри келишувга асосланган қарз муносабатларининг чекланганлиги;

- қарз маблаъларидан фойдаланганлиги учун жуда юқори фоиз нормаларининг белгиланганлиги ва бошқалар.

Бу босқичнинг тугалланиши ишлаб чиқариш мақсадлари учун молиявий қарз ресурсларига бўлган эҳтиёжининг кескин олишига олиб келган капиталистик ишлаб чиқариш усули билан боғлиқ. Алоқида олинган судхурларнинг индивидуал капиталлари кўрсатилган талабларни қондириш учун етарли эмас эди. Бу эса баъзи мулкдорлар томонидан бошқа мулкдорлар пул маблаъларини жалб қилиш қисбидан ўз фаолиятини олиб боришга мажбур эдилар.

Таркибий жиҳатдан ривожланиш. Кредит ривожланишининг бу босқичи ссуда капитали бозорида кредит-молия ташкилотлари каби махсус воситачиларининг пайдо бўлиши билан характерланади.

Катта судхурлик ва саррофлик идоралари заминида вужудга келган дастлабки банклар кейинчалик кўпчилик кредит институтларига анъанавий бўлиб ўлган, энг керакли функцияларни ўз зиммасига олди.

- бўш молиявий маблағларни ўз вақтида фоиз билан тўлаш мажбурияти асосида қарз олувчига бериш;

- юридик ва жисмоний шахслар учун қар хил тўлов ва қисоб китоблар бўйича хизмат кўрсатиш (кейинчалик давлат учун қарам);

- қатор махсус молиявий операцияларни ўтказиш (масалан, вексель муносабати механизми бўйича хизмат кўрсатиш ва бошқалар).

Махсус воситачиларга ссуда капитали бозорида бўлган талаб, шунингдек фойданинг юқори нормаси банк тизимининг бошқа фаолият соҳаларидан келадиган капитал оқими қисобига ривожланишини таъминлайди. (янги вужудга келётган кредит ташкилотларини тузувчилари судхур ва саррофлар бўлмай банки саноат ва савдо капиталистлари эди). Ривожланиш босқичида ссуда капитали бозоридаги муносабатлар маълум даражада шаклий характер ола бошлади, кредитлашнинг маълум бир турдаги жараёнлари ўрнатилди, ссуда капиталининг ўртача капиталининг ўртача регионал ва ўртача миллий нормалари ўрнатилди ва қўйламо.

Бироқ кредит ташкилотларнинг фаолияти қалғича марказлашмаган эди. Бу эса ссуда капитали бозорининг ривожланишига тўсқинлик қиларди ва иқтисодийнинг циклик ривожланиши шароитида молиявий бозорнинг бошқа бўлинларида номутаносибликларни келтириб чиқарди. Бу босқичнинг асосий белгиси-иқтисодийда кредит муносабатларини давлат томонидан марказлашган қолда бошқаришидир. Давлат миёсида кредит муносабатларининг марказлашуви қар бир давлатнинг Марказий банки ёрдамида амалга оширилади. Дастлабки миллий давлат кредит институтларининг пайдо бўлиши наҳд пулсиз қисоб китобларни олиб бориш учун қўл келди, қанда тижорат банкларининг операциялари ва хизмат кўрсатиш қўламининг кенгайишига олиб келди, масалан, фонд бозорига хизмат кўрсатиш бўйича. Кейинчалик Марказий банклар фаолияти бозор

ишқисодиётини барқарорлаштиришнинг самарали омили бўлган кредит воситаларини ишлатиш бўйича йўналтирилди. Бу эса давлатники бўлмаган кредит ташкилотларини назорат қилишни кучайтиришни талаб қилди. Шунингдек, ишқисодиётда инфор­мацион технологиянинг ривожланиши глобал банк тармоқларининг компьютер коммуникациялари ва маълумотлар базаларининг шаклланиши кредит муносабатларини янги сифатли даражага, яъни ми­жозга хизмат кўрсатиш билан бирга уларнинг молиявий фаолиятининг қамма жа­бқоларига, шунингдек қалқаро бозорга қам тарқалишига олиб келди.

1.3. Кредитнинг ишқисодий мо­ияти ва асосий шакллари

Бизга маълумки, пул маблақларига кўп қолларда кредитларга олинган маблақлар, корхоналарнинг қисоб варақасидаги маблақлар, нақд пуллар, айланма маблақлар ва молиявий ресурслар киради.

Бу ишқисодий категориялар ташқи томондан ухшагани билан, уларни ички хусусиятлари жуда хилма-хил ва бир бирига ухшайди.

Кредит-бу вақтинча бўш турган пул маблақларини маълум муддатга, қай тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан ишқисодий муносабатлар йиқиндиси­дир.

Кредит ёрдамида товар-моддий бойликлари, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчиларнинг маблақлари етарли бўлмаган шароитда тўловни кечиктириб товарлар сотиб олишлари ва бошқа қар хил тўлвларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Кредит ишқисодий категория бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг аниқ бир кўриниши сифатида юзага чиқ­ади.

Кредит қар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш мақсу­ли, қийматнинг қаракати, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги ишқисодий муносабатларни ифода­ловчи категориядир.

Кредитнинг молияти унинг ички белгиларини очиб беришга қаратилган. Кредитнинг молиятини очиш-бу унинг сифатларини, кредитнинг муҳим томонларини, унинг иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида кўрсатувчи асосларини билиш демакдир.

Кредит хужалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш ва сотув, тулов жараёнидаги маблағлар етишмовчилигини қоплаш учун олинади. Агар корхона ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш учун кредит маблағларидан фойдаланадиган бўлса, шу кредит фондлар айланишининг барча босқичларини босиб ўтади ва миқдорий жиҳатда ўсган ҳолда айланишан чиқарилади ва қарз берувчига қайтарилади.

Кредит ресурсларидан корхона ҳувидаги ҳолларда фойдаланиши мумкин:

1. Корхона кредитнинг харажатларининг бирон турини амалга ошириш учун, масалан, хом ашё материаллар сотиб олиш тугалланмаган ишлаб чиқариш учун ёки жўнатилган товарлар учун олиши мумкин.

2. корхона айланма фондларининг доиравий айланишининг барча босқичларига кредитни жалб қилиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш захиралари сотиб олишга, тугалланмаган ишлаб чиқаришга, тайёр маҳсулотга, жўнатилган товарларга ва бошқа харажатлар учун.

3. Корхонани комплекс кредитлаштириш зарур бўлганда амалга оширилади.

Кредитга бўлган талаб қайси усулда ва муддатда, ким томонидан қондирилишига ва қарз олувчиларга қарз таклиф қилинишига қараб, кредит бир неча тур ва шаклларга бўлинади.

Узоқ даврлардан буён кредитнинг берилиши муддатига қараб ҳувидаги турлари қўлланилиб келинмоқда.

1. қисқа муддатли кредит бериш;

2. Узоқ муддатли кредит бериш.

қисқа муддатли кредит беришда кредитлар бир неча ойдан бир йилгача бўлган муддатга кредит берилади. Бу турдаги кредитлар ишлаб чиқариш

айланма фондлари ва муомала фондларининг доиравий айланишининг узлуксизлигини таъминлайди. Бизга маълумки, айланма фондларнинг доиравий айланиши деярли барча ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларида бир йил ва ундан камроқ вақт давомида давом этади. Бир йил фондлар айланишининг табиий ўлчови сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бир йил қиса ва узоқ муддатли кредит беришнинг чегараси бўлиб хизмат қилади, қисқа муддатли кредитлар ўз табиатига қараб қуйидаги турларга бўлинади.

1. Кредитлаш объектларининг иқтисодий моҳиятига қараб:

-товар моддий бойликлари учун бериладиган кредитлар;

-ишлаб чиқариш харажатлари (маҳсулотнинг янги туни ўзлаштириш, мавсумий харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни) учун бериладиган кредитлар;

-қисоб китобларни амалга ошириш учун бериладиган кредитлар (аккредитив очилганда тайёр маҳсулотни жўнатганда ва бошқа ҳолларда).

2. Тўлаш муддатига қараб:

-муддатли, муддати кечиктирилган ва муддати ўтиб кетган кредитлар;

3. Кредитни тўлаш манбаларига қараб;

-қарз олувчининг ўз маблақлари қисобидан;

-грант маблақлар қисобидан;

-янги кредитлар жалб қилиш қисобидан.

4. Таъминланганлик тамойилининг амал қилишига қараб:

-бевосита (бирор корхона ва ташкилот воситасида) таъминланганлик кредитлар;

-бевосита тўғри таъминланганлик кредитлар;

-таъминланган кредитлар.

5. Тўланадиган фоиз даражасига қараб:

-ўртача (нормал) фоиз ставкали;

-юқори фоизли;

-паст фоиз ставкали;

- фоизсиз кредитларга бўлинади.

Узоқ муддатли кредитлашда кредитлар 3-5 йил муддатга берилади. Узоқ муддатли кредитлар асосан асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва улар билан боғлиқ соҳаларни таъминлашга ишлатилади. Ўзирги даврда узоқ муддатли кредитлар банклар томонидан жуда кам миқдорда берилсада, улар капитал ўйилмаларини лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида давлатимиз иқтисодини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Узоқ, муддатли кредитлар хўжалик ташкилотлари томонидан қуйидаги объектлар учун жалб қилиниши мумкин:

- қайта тиклашга капитал харажатларни амалга ошириш учун;
- қарақатдаги асосий фондларни кенгайтириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар учун;
- янги қурилиш ва ўқимча юқори самарали тадбирлар бўйича харажатларни амалга ошириш учун;
- янги фан илмий техник соҳада тадқиқотлар олиб бориш ва ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун ва бошқалар.

